**ШАРТНОМА № 47 ССБ-2022**

Тошкент шаҳри. «24» январь 2022 й.

**«Ўзбекистон стандартлар институти»** номидан Устав асосида иш юритувчи, бундан сўнг **«Ижрочи»** деб аталувчи – унинг директор в.б. **А.Х. Хамдамов** бир томондан ва **«MAXAM-CHIRCHIQ» МЧЖ** номидан 05.01.2022 й 10/2-юр ишончнома асосида иш олиб борувчи, бундан сўнг матнда **«Буюртмачи»** деб аталувчи – унинг директори бош раис бир. ўрин. иш юк. дир. Р.Т Узаков иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **«Буюртмачи»** тўлов асосида қуйидаги иш турлари учун **«Ижрочи»**га бажаришга топширади, **«Ижрочи»** эса **«Буюртмачи»** учун белгиланган ишларни бажариш учун ўз зимммасига олади:

20 январдаги 01-сонли мурожаат хатида келтирилган (14-дона) норматив хужжатларни аниклаш бўйича маълумотларни тақдим қилиш.

- 1.2 Шартнома умумий суммаси: 1 330 000 (Бир миллион уч юз ўттиз минг) сўм, ҚҚС сиз ташкил қилади.

## 2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ

2.1.Шартнома имзолангач, 15 банк куни мобайнида **«Буюртмачи»** кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг 100 % микдоридаги олдиндан тўловни **«Ижрочи»**нинг банкдаги ҳисоб-рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

2.2. **«Буюртмачи»** 100 % тўлов амалга оширилгандан сўнг **«Ижрочи»** 15 банк куни мабойнида 1.1. банддаги ишларни бажариш мажбуриятини олади ва шундан сўнгина **«Буюртмачи»**га тегишли ҳужжатлар берилади.

2.3. Бажарилган ишлар икки томонлар билан имзоланган ишларни бажариш акти билан расмийлаштирилади;

2.4. Бажарилган ишлар акти имзолангандан кейин **«Ижрочи»** талаб килинган норматив ҳужжатлар нусҳаларини **«Буюртмачи»** га топширишни ўз зиммасига олади.

2.5. Ушбу хизматлар учун нархлар ўзгариш ҳолатида шартнома умумий қиймати томонлар қўшимча битим тузиш йўли билан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Олдиндан тўлов амалга оширилганидан кейин нарҳлар ўзгармайди.

## 3. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаслигида «Хўжалик субъектлари фаолияти шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунларида кўзда тутилган фукаролик конунчилигида ўрнатилган тартибда томонлар жавобгар.

3.2. **«Буюртмачи»** иш учун тўловни кечиктирганда, охиргиси **«Ижрочи»**га ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўловдан 0,4 % кийматида пеня тўлайди. Шунда пенянинг умумий қиймати, бажарилган ишлар учун амалга оширилган тўлов кечиктирилган кийматидан 50 % дан ошмаслиги керак.

3.3. **«Ижрочи»** томонидан ушбу шартномани 2.2 банди бузилишига, **«Ижрочи»** ҳар бир кечиктирилган кун учун **«Буюртмачи»**га 0,4 % пеня тўлайди. Шунда пеня умумий қиймати бажарилмаган хизматлар қийматидан 50 % ошмаслиги керак.

3.4. Пеняни ундириб олиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАР ОРАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

4.1. Ушбу шартномадан келиб чиқувчи барча келишмовчиликлар ва зиддиятлар томонлар билан тартибга солинади, тартибга солиш имконияти бўлмаганда, улар Тошкент шаҳар Туманлараро Иқсодий судига келишмовчиликларни тартибга солиш даъво тартибига риоя қилиш билан кайта кўриб чиқиш учун топширилади.

## 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

5.1 Ушбу шартноманинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни бузилган такдирда қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## 6. ФОРС - МАЖОР

6.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини кисман ёки тўлик бажармаганлик учун жавобгарликдан озод килинади, агар бу бажармаслик томонлар олдиндан кўра олмаган ёки окилона чоралар билан тўскинлик кила олмаган фавкулодда ҳодисалар натижасида юзага келган фавкулодда вазиятларининг окибати бўлса.

6.2. Белгиланган мажбуриятлар келиши ва тугашида, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тўсиқ бўлаётган, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига тўғри келган томон окилона муддатда бошка томонни бу ҳакида хабардор қилиши, мувофиқ давлат органига хабарнома (маълумот) солинган бўлиши керак.

6.3. Енгиб бўлмайдиган кучлар таъсири билан келиб чиқган мажбуриятлар келиши, ушбу мажбуриятлар даврида шартномани бажариш муддатлари узайтиришига олиб келади.

6.4. Кечиктиришда бўлган карздор ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктириш даврида юзага келган енгилмас куч ҳолатларга мурожаат қилишга ҳақли эмас.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома икки томондан имзоланган вақтдан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома томонлар келишуви бўйича ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага икки томонлама имзоланган ва хат кўринишида расмийлаштирилган шартида ҳар қандай ўзгаришлар ва қўшимчалар шартноманинг ҳақиқий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Томонлар юридик манзиллар ва банк реквизитлари ўзгариш ҳолатида ўзгариш киритиш вақтидан 5 банк куни мобайнида шу ҳақида бир бирига маълумот бериши керак.

7.4. Ушбу шартнома ўзбек тилида 2 асл нусҳаларда ҳар бир томонлар учун битта нусҳадан тузилган.

## 8. ЮРИДИК МАНЗИЛИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ТОМОНЛАР ИМЗОСИ

<table>
<tr>
<td>«ИЖРОЧИ»<br>«ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАР ИНСТИТУТИ»<br><br>Манзил:100059 Тошкент ш., Чупон-ота кўчаси, 9"В"<br>Телефон: 71 253-18-54<br>Ҳ/р:23402000300100001010<br>Ш/с:400110860262877049400155001<br>ХККМ "Марказий Банк" Бош бошкармаси Тошкент ш.<br>МФО:00014; ИНН:306281034; ОКЭД:84112.<br><br>Директор в.б. ____________ А.Х. Хамдамов</td>
<td>«БУЮРТМАЧИ»<br>«MAXAM-CHIRCHIQ» МЧЖ<br>г. Ташкент вил. Чирчиқ шахар<br>Ташкент кўчаси 2.<br>Телефон: +998707164079<br>х/р: 20210000100128573001<br>Чирчиқ шахар СКБ банк<br>МФО: 00863. ОКЭД: 20151<br>ИНН: 300941518<br><br>Директор ____________ Р.Т. Узаков</td>
</tr>
</table>

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуни ва Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқ.

Бош юрисконсульт ____________

Бош хисобчи ____________

Бўлим бошлиғи ____________

Хизматлар учун шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомаси

Тошкент ш. «24» январь 2022 йил.

«Ўзбекистон стандартлар институти» томонидан Устав асосида фаолият юритувчи, бундан сўнг «Ижрочи» деб аталувчи – унинг директори в.б. А.Х. Хамдамов бир томондан ва **«MAXAM-CHIRCHIQ» МЧЖ** бошка томондан 05.01.22й 10/2-юр ишончнома асосида иш олиб борувчи, бундан сўнг «Буюртмачи» деб аталувчи – унинг Бош раис. бир. ўрин. иш чиқ. директори Р.Т Узаков ушбу баённомани имзоладилар.

Тақдим этилган хизматларнинг давомийлигини, мураккаблигини ҳисобга олиб, томонлар хизматларининг якуний киймати бўйича келишувга эришилди:

Хизматларини кўрсатиш учун киймати: 1 330 000 (Бир миллион уч юз ўттиз минг) сўм, ҚҚС сиз миқдорида.

Ушбу баённомага биноан аникланган хизматлар (ишлар) киймати ниҳоясига етади ва кайта кўриб чиқилмайди. Ушбу баённомада кўрсатилган нархлар ишларни (хизматларни) бажаришга кадар амал килади.

Ушбу Шартноманинг хизматлари харажатлари Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг миқдори оширилганда тегишли ўзгартиришлар киритилади. Мазкур Шартномага киритилган хар кандай ўзгаришлар ва кўшимчалар кўшимча битимлар билан расмийлаштирилади, иккала тараф ҳам имзолайди ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**БАЖАРУВЧИ:** **БУЮРТМАЧИ:**

_______________ А.Х. Хамдамов _______________ Р.Т Узаков

М.Ў. М.Ў.

Бош юрисконсульт _______________

Бош хисобчи _______________

Бўлим бошлиғи _______________